



SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI! O'ZBEKISTON O'VOZI

• 2016-yil, 5-sentabr. Dushanba • 106 (32.165)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларида таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислам Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Куйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

БМТ Бош котиби	— Пан Ги Мун
Америка Қўшма Штатлари Президенти	— Барак Обама
Россия Федерацияси Президенти	— Владимир Путин
Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси	— Дмитрий Медведев
Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири	— Сергей Лавров
Хитой Халқ Республикаси Раиси	— Си Цзиньпин
Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири	— Ли Кэцян
Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири	— Ван И
Козогистон Республикаси Президенти	— Нурсултон Назарбаев
Кроғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси	— Нурлан Нигматулин
Туркменистон Президенти	— Гурбангули Берdimухамедов
Тожикистон Республикаси Президенти	— Имомали Раҳмон
Қирғизистон Республикаси Президенти	— Алмазбек Атамбоев
Афғонистон Ислам Республикаси Президенти	— Муҳаммад Ашраф Ғани
Озарбайжон Республикаси Президенти	— Илҳом Алиев
Беларусь Республикаси Президенти	— Александр Лукашенко
Беларусь Республикаси ташқи ишлар вазири	— Владимир Макей
Украина Президенти	— Пётр Порошенко
Корея Республикаси Президенти	— Пак Кин Хе
Корея Республикаси Бош вазири	— Хван Гё Ан
Корея Республикаси ташқи ишлар вазири	— Юн Бён Се
Япония Бош вазири	— Шиндзо Абэ
Япония Бош вазири рафиқаси	— Акиэ Абэ
Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири, парламентдаги Ўзбекистон билан дўстлик лигаси раиси	— Таро Асо
Япония ташқи ишлар вазири	— Фумио Кисида
Ҳиндистон Республикаси Президенти	— Пранаб Мукержи
Туркия Республикаси Президенти	— Режеп Таййип Эрдоғон
Туркия Республикаси Бош вазири	— Бинали Йилдирим
Покистон Ислам Республикаси Президенти	— Мамнун Хусайн
Покистон Ислам Республикаси Бош вазири	— Муҳаммад Навоз Шариф
Эрон Ислам Республикаси Президенти	— Ҳасан Рухоний
Сингапур Республикаси Президенти	— Тони Тан Кенг Ям
Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти	— Йоахим Гаук
Бельгияликлар Қироли	— Филипп
Латвия Республикаси Президенти	— Раймондс Вейонис
Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири	— Эдгарс Ринкевич
Латвия Республикаси Сейми Президиуми аъзоси	— Андрей Клементьев
Словения Республикаси Президенти	— Борут Пахор
МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби	— Сергей Лебедев
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Котибияти КХШТ Бош котиби	— Николай Бордюжа
БМТ Тараққиёт дастури администратори	— Хелен Кларк
«МАКСАМ» компаниясининг президенти ва ижрочи директори	— Хосе Фернандо Санчес-Хунко
Испания Археологлар уюшмаси бош котиби — профессор	— Хесус Хил
Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси	— Кэролин Лэмм
Америка — Ўзбекистон савдо палатаси президенти	— Стивен Надерни
«Туркистон — Америка ассоциацияси» раиси	— Абдулла Хўжа
Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори	— Виктор Гришин
Халқаро болалар фондлари ассоциацияси президенти	— Альберт Лиханов
Сан Пабло университети профессори (Мадрид шаҳри), Марказий Осиё мамлакатлари бўйича эксперт	— Антонио Алонсо
Таъзияномалар келиши давом этмоқда.	



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ МЕЪМОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов хотирасига бағишланган маросим бўлди.

Президентимиз портрети пойига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазиirlар Маҳкамаси ходимлари, вазиrлик ва идоралар жамоалари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари юксак ҳурмат бажо келтириб, гуллар қўйди.

— Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз, — деди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе. — Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов мустақилликка эришиш, давлатни ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўйди. Ислам Каримов бошлаган буюк ишлар давом этишига, Ўзбекистон янада равнақ топишига ишонамиз. Ислам Каримовнинг Ўзбекистон — Хитой муносабатларини изчил ривожлантириш йўлидаги ишлари ва амалга оширган ислохотларини давом эттириб, ўзаро ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлайверамиз.

— Ислам Каримовнинг вафоти нафақат Ўзбекистон халқи, балки бошқа мамлакатлар, хусусан, Россия учун ҳам оғир йўқотиш бўлди, — деди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев. — Ислам Каримов Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари ва стратегик ҳамкорлигининг ривожланиши ҳамда мустаҳкамланишига катта ҳисса қўйди. Ўзбекистон босиб ўтган тараққиёт йўли Ислам Каримов номи билан боғлиқ экани бarchамизга аён. Унинг хотираси Ўзбекистон халқи юрагида умрбод муҳрланиб қолади. Ўзбекистон халқи Ислам Каримов танлаган йўлдан оғишмай олға боришига ишонамиз. Унинг оила аъзоларига, Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шेरимиз.

— Шанхай ҳамкорлик ташкилоти номидан бутун Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз, — деди Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксиптеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев. — Ислам Каримовни юксак ҳурмат қилар эдик. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ШХТнинг ташкил этилиши, фаолияти қўлаи кенгайишига ҳар доим алоҳида эътибор қаратар эди. Ислам Каримовнинг бевосита ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган ШХТнинг Минтақавий аксиптеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шेरимиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шेरимиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шेरимиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шेरимиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шेरимиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шेरимиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шेरимиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шеримиз.

ошиб боришига шубҳа йўқ. Бу инсоннинг хотирасини нафақат бугунги, балки келажак авлодлар ҳам мустақиллигимиз меъмори сифатида юксак қадрлайди. Ислам Каримов — тинчликпарвар сиёсати, буюк давлат асосчиси сифатида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирди, — деди пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги Навоий номидаги махаллада истиқомат қилувчи Саъдулла Насриддинов.

— Президентимизнинг «Бизга тинчлик ва омонлик керак» деган эзгу даъвати Ўзбекистон оналарининг дилидаги, тилидаги орзу-нияти бўлиб келган, — деди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари Мухлиса Акромова. — Ана шундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқарган Ислам Каримов юртимизда миллатлар ва фуқаролараро ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини қарор топтирди, мустаҳкамлади. Бу барқарор муҳит юртимизда барча соҳаларда юксак ютуқ ва натижаларга эришилишига пухта замин яратди. Биз буни кўз қорачигидек асраб-авайлаб, келажак авлодимизга тинч ва обод Ватан қолдириш йўлида фидойилик қўрсатишимиз шарт.

— Президентимиз Ислам Каримов биз, ёшларни фарзандларим, деб атаганларидан доим фахрланганмиз, — деди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети 2-босқич талабаси Омонулла Собиров. — «Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз», деган даъватлари бизни доим олға интилишга ундайди. Ўртбошимизнинг давлат руҳи, ўғитлари биз, ёшларга мустаҳкам таянч бўлади. Биз у кишининг муносиб издошлари бўлишга ваъда берамиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шеримиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шеримиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шеримиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шеримиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шеримиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шеримиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шеримиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шеримиз.

— Ижроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунингизга шеримиз.

ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИГА АБАДИЙ МУҲРЛАНГАН БУЮК СИЙМО

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов вафоти муносабати билан Фарғона вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ҳам мотам тадбирлари ўтказилмоқда.

Эрта тонгдан қорхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари, ёшлар, умуман, минглаб фарғоналиклар Фарғона шаҳридаги Театр концерт саройи хибонаига келиб, Ўртбошимиз портрети пойига гуллар қўйди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида Фарғона вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Иқтисодиёт тармоқлари чуқур ислоҳ қилиниб, ҳуқуқий-ташкилий, техник ва технологик жиҳатдан янгиланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида яратилган имтиёзлар, инвесторлар, хусусан, чет эллик сармоядорларнинг қўллаб-қувватланиши натижасида маҳаллий хомашёдан сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда вилоятда 150 дан зиёд қўшма қорхона фаолият қўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда қадимий Марғилон ва Қўқон шаҳарларининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, ҳар томонлама кўркам ва замонавий қиёфа касб этди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрдаги «Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида бу ерда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари, стадионлар, ишлаб чиқариш қорхоналари, йўл ва кўприklar, хибоналар барпо этилди.

Аҳмад Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний каби буюк алломаларимиз номи ва мероси қайта тикланиб, юбилейлари жаҳон миқёсида кенг нишонлангани ҳам Ўртбошимизнинг тарих ва маданиятга бўлган юксак эътибори ифодаси бўлди.

Ислам Каримовнинг Фарғонага, фарғоналикларга меҳр-муҳаббати бошқача эди. Фарғона аҳли ҳам Ўртбошимизни қадрлар ва ардоқлар эди.

— Халқимиз буюк давлат арбоби бўлган суикли Йўлбошимизини доим қалбида мангу сақлайди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Манзура Мадалиева. — У киши мустақил Ўзбекистон давлатига асос солди ва буюк тараққиёт йўлига олиб чиқди. Ислам Каримов ўзига қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйди. Бу улғ инсон одамлар меҳрини қозонди, қалбидан чуқур жой олди. Президентимизнинг халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширган беқиёс ишлари тарих саҳифаларига абадий муҳрланди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

ХОТИРА ДАРСЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, барчамиз учун қадрли инсон бўлган Ислам Каримов ўз ҳаёти ва тақдирини жонажон Ўзбекистонимиз, халқимизга бағишлади.

Мамлакатимиздаги барча таълим масканларида 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган «Хотира дарслари» бўлиб ўтди.

Улғ раҳбаримизнинг Ватан равнақи, халқимиз олдидаги буюк ҳизматларини ёдга олиш мақсадида ташкил этилган мазкур дарсларда турли вазиrлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг мутасаддилари, профессор-ўқитувчилар, маънавият тарғибчилари, тарихчи олимлар, ёзувчи

ва шоирлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов халқимиз, айниқса, ёш авлод камолоти йўлида мунтазам ғамхўрлик қўрсатганини бутун жаҳон жамоатчилиги эътироф этмоқда. Ўртбошимизнинг хотирасини азиз ва муқаддас билиш, истиклол йилларида мамлакатимизда навқирон авлоднинг порлоқ келажаги йўлида яратилган ша-роит ва имкониятларни қадрлашга ўргатиш, ёшлар қалбидаги Ватанга муҳаббат, юртпарварлик туйғусини

мустаҳкамлаш кенг жамоатчилик, таълим фидойилари, ота-оналар зиммасидаги энг масъулиятли вазифадир.

Ислам Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, уни замонавий асосда таракқий эттириш стратегиясини, бутун жаҳонда «ўзбек модели» деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида мангу қолади. Халқимиз ўзининг тарихан қисқа муддат — 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларини ҳақли равишда Президент Ислам

Каримов номи билан боғлайди ва шу улғ инсоннинг хизматлари, деб билади.

Ўқувчилар Президентимизнинг таржimai ҳоли билан таништирилган, махсус монитордан намойиш этилган фильмда Ислам Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакат мустақил тараққиёт дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбоби, юртимизда амалга оширилган улкан ислохотлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббусқори ва раҳнамоси сифатидаги хизматлари ҳақида сўз юритилди.

► Давоми 2-бетда.

ХОТИРА ДАРСЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Мустақиллигимизнинг маънавий асосларини яратиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий жаҳдалардаги туб ислохотлар, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, Қуролли Кучларимизнинг қудратини ошириш йўлидаги ишлар бевосита Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилди. Президентимизнинг узокни кўзлаган доно сиёсати, матонат, жасорати билан Ўзбекистон тинчлик ва осойишталик барқарор, турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро ҳамжиҳат, аҳил ва тотувликда истикомат қилаётган мамлакатга айланди.

— Собик тузум даврида мугилик, қарамлик исканжасига тушиб қолганимизни катта авлод вакиллари яхши эслади, — дейди 169-умумтаълим мактаби директори Ёркиной Маматова. — Миллат дарди — менинг дардим, деб майдонга чиққан Президент Ислам Каримовнинг жасорати билан бутун минтақамизда гараз ниятли найрангларга, турли фитналарга барҳам берилди. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деган тухматларга чек қўйилди. Ноҳақ қамалган, жабр чеккан минглаб юртдошларимиз озод этилди. Бугун ёшларимиз тинч ва осойишта осмон остида, ота-онаси бағрида эмин-эркин ўлғаймоқда. Улар истиқлолни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш зарурлигини, бу ёруғ ва саодатли кунларимиз, бахтиёр ҳаётимиз халқимизнинг фидойи инсонлари чеккан машаққатлар эвазига келганини билиши керак.

◀ Давом. Бошланғич 1-бетда.

■ Президентимиз Ислам Каримовнинг Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз озодлигини таъминлаш йўлидаги чеккан заҳмати, миллатимиз олдидаги юксак хизматларини ёшлар онги ва қалбига синғдириш фоят улкан маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга.



Мамлакатимизнинг барча таълим масканларида бўлган каби академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтган «Хотира дарслари»да ҳам Биринчи Президентимизнинг жонажон Ватанимиз буюк келажаги, тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилинди.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз озодлигини таъминлаш йўлидаги чеккан заҳмати, миллатимиз олдидаги юксак хизматларини ёшлар онги ва қалбига синғдириш фоят улкан маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга, — дейди Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги молия ва иқтисодиёт коллежи директори Отабек Мирзаганиев. —

Айниқса, Президентимизнинг мамлакатимизни дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кўтариш, халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришдаги хизматлари халқро миқёсда эътироф этилмоқда.

Машғулотлар жараёнида келтирилган факт ва рақамлар Ўзбекистонда истиқлол йиллари эришилган улкан ютуқлар ҳақида ҳикоя қилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, уч босқичли спорт мусобақалари тизими ташкил этилди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан жойларда 300 га яқин болалар мусика ва спорт мактаби, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншооти бунёд этилди.

Сўнгги 10 йилда болалар ва ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етди.

12 йилдан бери мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўсиши кўрсаткичи саккиз фоиздан зиёд бўлиб келмоқда.

Бугунги дарс жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг нақадар жасоратли, мард, қатъиятли, узокни кўра олувчи, зукко, эл-юрт ташвишларини ўз ҳаётининг маъно-мазмунига айлантирган инсон эканига яна бир қарра амин бўлдик, — дейди ушбу коллеж ўқувчиси Мохичеҳра Абдукаримова. — Халқимизнинг буюк фарзанди Ислам Каримовнинг порлоқ хотираси барча юртдошларимиз сингари биз —

ёшларнинг ҳам қалбимизда мангу муҳрланб қолади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтини ҳам «Хотира дарслари» замонавий ахборот, педагогик технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда ҳаётий мисоллар ёрдамида ўтирди.

Собик тузум даврида Ўзбекистон иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, аҳолининг ҳаёт даражаси ачинарли аҳволга тушиб қолган аграр республика эди. Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга оид дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг галла мустақиллиги, ёқил-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлашга эришилди. Нефть ва газ

кимёси, нефть-газ машина-созлиги, автомобилсозлик, қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маийшй электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат, тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларнинг изчил равнақ топаётгани бу борадаги пухта сиёсатнинг амалий натижасидир.

— Президентимиз доим биз — ёшларга мурожаат этганларида «Азиз фарзандларим, маррани баланд олинглар. Ўқиб-ўрганиш, касб эгаллаш, изланишдан бир муддат ҳам тўхтаманг», деб кўп бора такрорлаб, шу муқаддас заминни обод этиш, уни химоялаш барчамизнинг бурчимиз эканини уқтирар эди, — дейди ушбу институт талабаси Умид Махидов. — Юртбошимиз каби Ватанимизга содиқ, фидойи, мард ва жасур, қатъиятли бўлиш бизларнинг чин фарзандлик бурчимиздир.

«Хотира дарслари» мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида бўлиб ўтди. Юрта фидойилик, ватанпарварлик, одамлилик, ибрат сабоқлари айланган ушбу дарсларда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг порлоқ хотираси барча ўғил-қизларнинг ёдида мангу сақланиб қолиши, улар Ватанимизни, мустақиллигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, тинч ва осойишта кунларнинг қадрига етиши, юртимиздаги ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш — бу барча юртдошларимиз каби ёшларнинг ҳам бурчи экани алоҳида таъкидланди.

ЎЗА

ҲАМИША БАРҲАЁТ СИЙМО

Қорақалпоғистон Республикасидаги таълим муассасаларида янги ўқув йилининг илк дарси Президентимиз Ислам Каримов хотирасига бағишланди.

Нукус шаҳридаги 37-иқтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида янги ўқув йилининг бошланганидан дарах берувчи биринчи кўнғироқ чалинди. Ўқувчилар мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов портрети пойига гуллар қўйиб, хотирасига таъзим бажо келтирди.

Ушбу таълим масканида 1 минг 900 ўқувчи таҳсил олмақда. Жорий ўқув йилида 324 бола биринчи синфга қабул қилинди.

«Хотира дарслари»да Президентимизнинг ҳаёт йўли, асарлари, оталарча ғам-хўрлиги туфайли ёш авлод тарбиясига қаратилган юксак эътибор самаралари ҳақида батафсил маълумот берилди. «Келажак бизники, марра бизники!» номли видеоролик намойиш этилди.

Мактабнинг 9-синф ўқувчиси Айсенем Давлетназарова «Ораста қизлар» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида биринчи ўринни эгаллади. Унинг синфдоши Асадбек Шатмуратов Беларусь давлатида ўтказилган «Золотая пчелка» халқаро танловида опера йўналиши бўйича ғолиб бўлиб қайтди. 9-синф ўқувчиси Дилфуза Салиева ва 8-синф ўқувчиси Муҳаббат Давлетбоева бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпионида биринчи ўринга сазовор бўлди.

— Ўқитиш жараёни илгор педагогик технологиялар асосида, интерфаол усулларида олиб боришда, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Ойсулвў Тажмуратова. — Ўтган ўқув йилида ўтказилган фанлар олимпиадаси ва билимлар беллашуви рейтинг натижаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикасида 3-ўринни эгаллаб, мамлакат бўйича кучли йигирматалikka кирди. Фанлар олимпиадасида 4, билимлар беллашувида 9 ўқувчимиз Қорақалпоғистон ва мамлакат босқичида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг таълим соҳасига қаратган юксак эътибори, ёш авлод тарбиясига бўлган ғамхўрлиги самарасидир.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири.

МУСТАҚИЛ ЮРТНИНГ МУАЗЗАМ МАЙДОНИ

Бундан 25 йил муқаддам — 1991 йил 5 сентябрда мамлакатимизнинг бош майдонига Мустақиллик майдони номи берилган

Кунни кеча қалбларимизни ларзага солган оғир жудодикдан ўзимга кела олмадим. Кўнглим хувиллаб қолди. Бир илгинч истаб мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонига бордим. Майдондаги ҳар бир деталга синчиклаб разм соламан. Давлатимиз раҳбарининг «Биздан обод ва озод Ватан қолсин!» деган эзгу мақсадлари ижобати кўз ўнгимда гавдаланади.

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб боришган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари мана шу майдондан бошланган десак, хато бўлмайди.

...Эзгулик аркаси қаршисидаман. Тинчлик, осойишталик, хотиржамлик дарвозаси сифатида қад ростлаган бу иншоот халқимизнинг гурури каби юксак. Парвозга шайланаётган турналар халқимизнинг буюк орзу-мақсадларини рўйбга чиқариш йўлидаги юксак интилишлари, қатъияти ва иродаси, оқ лайлақлар эса тинч ва осуда ҳаётимиз, фаровонлик ва қут-баракат тимсолларидир. Арканнинг баланд ва мустаҳкам устунлари мамлакатимиз ривожини учун пойдевор бўлаётган бақувват таянчлар ифодасидир. Бу останада ўтатилган ҳар бир инсон муқаддас даргоҳга қадам қўяётганини ҳис қилади. Майдон ҳамиша яшнаб, барқ уриб турадиган қўламазорларни, етти иқлимдан келтирилган анвойи гулу буталари, манзарали дарахлар билан кўзни қувонтиради.

Президентимиз Ислам Каримов 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик майдонида янги барпо этилган монумент пойига илк бор гулчамбар қўйган эди. Майдонда мустақиллик гулларининг дастлабки йилида қад ростлаган Мустақиллик ва эзгулик монументи олдида фарзандини бағрига босиб, унга ишонч билан термулиб турган Бахтиёр она ҳайкали бунёд этилди. Бундан мақсад халқимизнинг орзу-интилишларини тегаран ифода этиш, ёшларимизнинг маънавий оламни эзгу гоялар асосида шакллантириш ва камол топтиришдан иборатдир. Монумент ўз меъморий ечимини, гоявий-бадий мазмунини билан Ўзбекистон талғанидан йўл — Мустақиллик йўлининг таъсирчан ифодасига, асрий қадриятларимизнинг яққол намоёнига айланди.

Икки қатор қилиб экилган ям-яшил арчалар орасидаги йўлақлар

Бахтиёр она ҳайкали томон олиб боради. Ҳайкал пойида бош эгаман. Бахтиёр она — она Ватан рамзи. Бу буюк тушунчанинг айнан она сиймоси орқали ифодаланиши, мамлакатимиз бош майдонида Бахтиёр она ҳайкалининг барпо этилиши онага, аёл зотиға ҳурмат-эҳтиром нақадар юксак эканидан далолат. Чунки инсоннинг маънавияти ва дунёқарашини шакллантирадиган мезонлар она бағрида, оила муҳитида қуртлаб ёзади. Онани ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш Юртбошимизнинг диққат марказидаги масалалардан эди.

Сал нарида невараси билан нуруний отахон кўринади. Отахон ҳар бир иншоот ҳақида батафсил гапириб бермоқда: «Бу Ер шарини тасвири. Унинг марказида Ўзбекистон харитаси жой олган, у Мустақиллик ва эзгулик монументи деб аталади...»

Отахон тўхтаб, атрофга назар солди. Неварасининг бошини силаб, сўзида давом этди: «Илгари бу жойлар «Қизил майдон» деб юритилган. Ёзининг жазирасида оловдек қизиб ётган бетондан иборат маскан энди ўйлаб кўрсам, ўша тузумнинг кичкина намунаси бўлган экан».

Дарҳақиқат, ҳар бир жой номига муносиб бўлади. Мустақиллик майдонининг кўрки ва тароватидан юртимиздаги ободликнинг нафаси келиб турибди. Умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни халқро мусобақаларга кузатиш чоғида хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилиш яхши анъанага айланган. Мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий давлатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари ҳам давлатимизга бўлган ҳурматини ушбу монумент пойига гул қўйиш орқали ифода этади.



Қўёш порлаб, майин эсаётган шабада дилларни тетиклаштиради, майсалар оҳиста тетикланади, майдондаги ям-яшил арчалар, турфа гуллар қўзни қувонтиради. Юртимиздаги ажиб сокинликни, унинг замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада тегаранроқ ҳис этгандек бўламан.

Қўёш нурида жилоланувчи фавворалар кўнғилга мусаффолик бахш этди. Фавворалар нафақат тинч ва осойишта ҳаётимиз, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг ёрқин ифодасидир. Фавворалар ансамбли меъморий услуби ва кўлами жиҳатидан атрофдаги маъмурий биноларга кўркамлик бағишлайди. Ҳароратни муътадиллаштириб, атрофга салқинлик бахш этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Вазирилар Маҳамаси бинолари, Хотира хиёбони, «Туркистон» саройи, маъмурий бино, Маърифат маркази мажмуаси, «Пойтахт» бизнес маркази, Тасавирий санъат галереяси, Ёшлар ижод саройи каби замонавий ком-

плекслар Мустақиллик майдонининг умумий манзарасини тўлдириб, унинг хуснига ҳусн қўшиб турибди. Мотамсаро она ҳайкали томон юраман. Онанинг қиёфаси кишини маънос торттиради. Бу она қиёфасида Иккинчи жаҳон урушига кетган 1,5 миллион эр йигитнинг қайғуси муҳассам. Ўша йиллари йиғлаёвериб, кўз ёшлари қуриган меҳрибон она фарзандидан, аёллар суянчидан, опалар уқасидан, сингиллар акасида ажралганининг тиссоли бу.

Хотира хиёбонидаги зарҳал «кичик»ларда номлари қайд этилган ярим миллион аскарнинг руҳи мусаффо осмонимиз узра учиб юргани аниқ. Улар мотамсаро онага «Дард чекма, она, энди фарзандларинг уруш деган балога йўлиқма-гай» дейётгандек гўё.

Ўриндиқда кўллари дуога очиб ўтирган онахонга кўзим тушди. Бейхитёр мен ҳам юзимга фотиҳа тортдим. Салом бериб, ёнига ўтирдим. — Отамнинг қабри қаердалигини билмайман, — деб гап бошлади ўзини Мухрима Шотурсунова деб таништирган онахон. — Уруш йил-

лари беш ёшда эдим. Отамнинг дийдорини аниқ эслайман. Кейин аскарлик пайтида тушган суратларини юборган. У даврларда инсоннинг қадри ҳам йўқ экан-да. Қаерда вафот этган, қандай вафот этган, дафи қилинганми-йўқми, буниси қоронғу. Отамни соғинганда шу ерга келиб, ҳаққига дуо қилиб тураман.

Онахон ўрнидан кўзгалар экан чуқур нафас олиб, «Номингдан айланай, тинчлик! Тинчлик бор жойда ҳаловат бўлади, тўйлар бўлади, тинчлик бор жойда уйлар қурилади. Тинчликни асраш, қадрига етиш керак», деди.

Мустақиллик майдонидан чиқарканман отасининг қўлидан ушлаб бочадан, онасининг ёнида мактабдан қайтаётган, футбол майдонида шодан тўп тепаётган, анҳорда чўмилаётган, спорт анжони ё чолу асбоби-ни елкалаб олган болаларни кўриб, дилим яйрайди. Юртбошимизнинг эзгу ишларини ёшлар, қолаверса, шу болажонлар давом эттиражак.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎЗА мухбири.

БУЮК ЙЎЛБОШЧИ ХОТИРАСИ АБАДИЙ БАРҲАЁТ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов вафоти муносабати билан эълон қилинган мотам кунлари доирасида таълим муассасаларида ўтказилган «Хотира дарслари» олдидан педагогик жамоалар, ўқувчи ва талабалар Юртбошимизнинг сурати пойига гуллар қўйиб, буюк инсон хотирасига чексиз эҳтиром кўрсатди.

Наманган шаҳридаги 12-умумтаълим мактабида янги ўқув йилининг биринчи кунини шу тарзда бошланди.

Тарих фани ўқитувчиси Севара Турсунова дунё тан олган Президент Ислам Каримов фаолияти, мардонавор ва шижоатли раҳбарлигининг Ўзига хос қиырлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Сиз нонуштангизни хотиржам қилиб, устунгизга чироли, озода кийим кийиб, мактабга шошасиз, — дейди С.Турсунова ўқувчиларга. — Мана шунинг ўзи улкан бахт эканига ҳамма ҳам ҳар доим ҳис этавермайдми. Худди шу пайтда ер юзининг айрим мамлакатларида одамлар, ёш ўспиринлар ёнида қурол билан тонг оттиришни, болалар саломат уйқудан уйғонишни, бирор егулик топишни ўйлаб азоб чекаётганини ҳаётимизга ҳам келтирмаймиз. Президентимиз Ислам Каримов бизга, халқимизга шундай тинч-осойишта ҳаётда яшаш имкониятини яратиб берган буюк инсон.

Шундан сўнг ўқувчилар мустақиллигимиз меъмори Ислам Каримов ҳаёти ва фаолиятига оид ҳужжатли фильмини томоша қилди. Фильм намойишидан сўнг ўқувчилар ўзаро савол-жавоб асосида Президентимиз асарлари ҳақидаги билимларини янада мустаҳкамлади.

«Хотира дарслари» вилоятдаги уч олий ўқув юрти, 118 академик лицей ва касб-хунар коллежи, 683 умумтаълим мактабида, 22 давлат иқтисослашган мактаб-интернатда ҳам ўтказилди.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири.

ХОТИРА ДАРСИ

ЯНАДА ЯХШИ
ЎҚИШГА ВАЪДА
БЕРАМИЗ

деди Тошкент вилояти
Зангиота туманидаги 56-
умумтаълим мактаби
ўқувчилари янги ўқув
йилининг илк машғулоти —
«Хотира дарси»да

«Эй болам, сенинг Ватанинг битта — барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуруний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ».

Зангиота туманидаги 56-умумтаълим мактабида «Хотира дарси» Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг мана шу дил сўзлари билан бошланди.

«Хотира дарси»да иштирок этган Зангиота тумани ҳокими З.Ортиқов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари Ислам Каримов мамлакатимизда амалга оширилган улкан ислохотлар, тарихий ўзгариш ва янгиланишларнинг ташаббускори ҳамда раҳнамоси бўлганини алоҳида таъкидлади. Ватанимиз мустақиллигининг асосчиси, мамлакатимиз тараққиёт дастурини ишлаб чиққан ва миллий ривожланиш йўлини белгилаб берган буюк давлат арбобининг ёш авлодимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай уйғайиши йўлида кўрсатган эътибор ва ғамхўрликларига ҳақида сўз юритилди.

— Президентимиз Ислам Каримов сиймосини, биз, ёшларга кўрсатган ғамхўрлигини ҳеч қачон унутмаймиз, — дейди мактабнинг 9-синф ўқувчиси Моҳиғул Абдусаломова. — Мактабимизда замон талаблари даражасида таълим олишимиз учун барча шароит яратилган. Ўқув-лаборатория ва чет тили оналари, спорт зали ва майдончаси зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Биз, бу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, янада яхши ўқишга, барча соҳаларда бор имкониятимизни ишга солиб, Ватанимизнинг бундан-да юксак марраларга эришишига ҳисса қўшамиз, деб ваъда берамиз.

Тошкент вилоятидаги 877 умумтаълим мактаби, 122 касб-хунар коллежи, 7 академик лицей ва Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг порлок хотирасига бағишланган «Хотира дарслари» бўлиб ўтди.

И.АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА муҳбири.

БЮЮК ШАХСЛАР
МАНГУ
ЯШАЙДИ

Жиззах вилоятидаги умумтаълим мактабларида ҳам янги ўқув йили Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига бағишланган «Хотира дарси» билан бошланди.

Жиззах шаҳридаги 22-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби намунали таълим масканларидан. Математика, биология, химия, физика, инглиз тили чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиладиган мактаб ўқувчилари турли билимлар беллашуви ва фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

— «Хотира дарси»да мустақиллигимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тарихан қисқа даврда барча соҳаларда оламшумул ютуқ ва марраларни қўлга киритгани тўғрисида кенг маълумот берилди, — дейди мактаб директори Д.Садриддинова. — Тажрибали педагоглар ўтказган машғулотларда ўқувчиларнинг мана шундай замонавий биналарда таълим-тарбия олаётгани Президентимизнинг ёшларга алоҳида эътибор қаратиб, фарзандларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда унинг-улғайиши лозим, деган улук мақсад йўлида ўзини аямасдан қилган фидокорона меҳнатлари самараси экани ҳақида сўзлаб берилди. Дарс ёшларимизнинг Ватанимиз тарихи, Президентимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги билимнинг янада бойитиши, уларда ватанпарварлик туйғусини юксалтиришга хизмат қилади.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири.

«ФАОЛ АЁЛЛАР»
ҚАНОТИИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
фаоллик

жамият равнақига хизмат қилади

Ўтган ҳафтада «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг Чимбой туман босқичи бўлиб ўтди.

Айтиш керакки, мазкур танлов мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларда фуқаролик позициясини шакллантириш мақсадида ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, танлов Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалиётга татбиқ этиш, сиёсий билим ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўрик-танловда 5 нафар иштирокчи 3 шарт бўйича билимларини синовдан ўтказди. Унинг натижаларига кўра, 19-мактаб ўқитувчиси Абадан Аллашева биринчи ўринга лойиқ топилди ва Қорақалпоғистон Республикасида босқичга йўлланма олди.

Танловнинг Косон туман босқичида 4 нафар хотин-қиз лойиҳа тақдимоти, қонунларимиз ҳаётимиз асоси (нотиқлик санъати) ва сиёсий ҳозиржавоблик шартлари бўйича беллашди.

Иштирокчилар хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳамда касаначилик масалаларига қаратилган лойиҳаларини тақдим этишди.

Хусусан, 48-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Вилола Ўринова туманда хотин-қизлар учун спорт кийимлари



ишлаб чиқарадиган кичик цех очиш ва шу орқали бандликни таъминлаш, 23-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Муҳаббат Бердиназарова ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан бойитиш, Инобат Шомуродова хотин-қизларга хунар ўргатувчи ўқув маркази очиш, Оқила Шаропова иссиқхоналар ташкил этиш юзасидан ўз лойиҳаларини тақдим қилди.

Нотиқлик санъати ва сиёсий ҳозиржавоблик шартларида ҳам иштирокчилар фаол иштирок этишди. Умумий натижаларга кўра, Инобат Шомуродова биринчи ўринни эгаллаб, вилоят босқичига йўл олди. Унинг Ойла кодекс бўйича чиқиши кўпчиликка манзур бўлди.

Кўрик-танловнинг Жиззах шаҳар босқичи санъат коллежида бўлиб ўтди.

Унда иштирокчилар мамлакатимизда давлат бошқаруви демократлаштириш жараёнида аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиладиганини таъкидлади.

Хотин-қизлар сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги билимларини синовдан ўтказди, партия ғояларини ҳаётга татбиқ этиш масалалари юзасидан ўз тақлифларини берди.

— Кўрик-танловга тайёргарлик кўриш вақтида қонунларни чуқур ўргандим, — дейди Жиззах шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Нигора Шерматова. — Бу менга «Сиёсий ҳозиржавоблик» шартида қўл келди. Бундай танловлар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Ҳакамлар ҳайъати Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Маъмура Якубовани ғолиб деб эълон қилди ва у танловнинг Жиззах вилоят босқичида қатнашадиган бўлди.

«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилмоқда.

Санам ЖУМАМУРАТОВА,
Шахло ХУДОЙҚУЛОВА,
Жамила ЁДГОРОВА.

«ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Мустақиллик тенгдошлари

Яқинда Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан «Биз мустақиллик тенгдошимиз!» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбир очиб мулоқот, ўзаро фикр алмашув руҳида ўтди. Дастлаб ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси вазифини бажарувчи Фулом Сапаев мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, уларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, турмуш фаровонлигини оширишдаги аҳамияти ҳақида сўз юритди.

— Юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик уларнинг қизиқиш ва қобилиятларини намоен қилишга замин яратмоқда. Бу жараёнда биз ҳам фаол иштирок этишимиз керак. Йигит-қизларга партияимизнинг сиёсий ғоялари ва дастурий мақсадларини тушунтириш, уларда миллий ғурурни янада юксалтириш

муҳим вазифаларимиздан бири. Ёшлар қаноти бу борада ташаббускорликни кучайтириши талаб этилади, — деди у.

Шунингдек, тадбирда «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Аброрбек Рўзметов: — Мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз халқига фидойи, ҳар томонлама соғлом авлодни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Биз ёшлар ҳар доим ўрганиш, изланишдан тўхтамаслигимиз, янгиларга интилиб яшашимиз керак. Бунинг учун юртимизда барча имкониятлар яратилган. Юртимиз ёшлари қатори

мен ҳам Ватанимиз ривожига ҳисса қўишни мақсад қилганман.

Полвонбек Рўзиев: — Энг катта бойлик тинчлик ва осойишталикдир. Барчамизга аён халқимиз қачон, қаерда бўлмасин, аввало, тинчлик-омонлик бўлсин, деб дуо қилади. Шундай экан, тинчликнинг қадрига етиб яшаш, осойишталик учун курашиш фарзандлик бурчимиз ҳисобланади. Ҳеч қачон бефарқ ва лоқайд бўлмаслигимиз, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз

лозим. Биз ёшлар бирлашиб, қўлни-қўлга бериб, ҳамжиҳатликда давлатимизнинг обрў-эътибори, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўишимиз керак.

Тадбирда, шунингдек, «Истиқбол» ёшлар қанотининг ташкилий тизимини мустаҳкамлаш, етакчи ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, партия дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб этишда илғор сиёсий технологиялардан

самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

Расулбек Хўжаев, ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

— Аъзоларимиз фаолиятимизни кучайтириш бўйича қатор тақлифларни илгари суришди. Энди уларни ўз ичимизда қўлаб, янада ташаббускор бўлишимиз. Тадбирда етакчи қандай бўлиши керак, бугун партияимизнинг жамиятдаги мавқеини янада оширишда улардан нима талаб этилади каби саволларга жавоб олдик. Бу ҳақдаги фикрлар келажакда депутат бўлишни ният қилган биз каби ёшларга ҳар томонлама фойдали бўлди.

Алишер ЖУМАНИЕЗОВ,
Ўзбекистон ХДП
Хоразм вилоят кенгаши
сектори муdiri.

САВОЛ ВА
ЖАВОБ

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан танлаб олиш ва уларга нафақа тўлаш тартиби ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз...

Зумрад ИСАҚОВА,
Тошкент шаҳри.

Аҳад АҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати:

— Аввало, таъкидлаш керакки, сиз сўраган мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг қўшма қарори асосида Низом тасдиқланган.

Унга кўра, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобига тўланадиган энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма баравари миқдоридан бир йўла нафақа олиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда битирувчи ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида ўқиш даврида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасаларга жойлаштирилмаган ва бошқа қонуний вакиллари — васийси, ҳомийси, тутинган ота-онаси (патронат) қарамоғида турган бўлиши лозим.

Нафақа битта битирувчига фақат бир марта, яъни ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини битириб, ишга жойлашганида берилади. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб мунтазам равишда битирувчиларга нафақа тўлаш учун маблағлар ажратишни режалаштиради. Бунинг учун ажратилган маблағлар миқдори «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

Низомда шунингдек, нафақа олиш ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ҳам белгиланган. Унда қайд этилишича, битирувчи нафақа олиш учун ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини битириб, ишга жойлашгандан кейин ўзи таомиланган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси директори нафақа берилишини сўраб, ариза билан мурожаат қилади. Аризага туғилганлик ҳақида гувоҳнома, фуқаролик паспорти, ўрта махсус ва касб-хунар маълумоти тўғрисида диплом (барчаси асли кўрсатилган ҳолда нусхаси тақдим этилади), васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақида туман (шаҳар) ҳокими қарорининг ёки болани оилга тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги қелишувнинг нусхаси ҳамда доимий яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган битирувчининг оилавий ва мулк аҳоли ҳақида маълумотнома илова қилинади. Шунингдек, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), меҳнат дафтарчасининг иш берувчи томонидан тасдиқланган нусхаси, битирувчи ёки унинг ота-онасида мулк ҳуқуқи асосида кўчмас мулк мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) ҳақида туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк давлат корхонаси томонидан берилган маълумотнома ҳамда битирувчининг тиббий-ижтимоий аҳоли — ногиронлиги, узоқ муддат даволанишга муҳтожлиги ёки меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

Мазкур Низом ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида ўқиш даврида тўлиқ давлат таъминотида бўлган болаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

СПОРТ ВА САЛОМАТЛИК

Жаҳон шахмат олимпиадасида

Боқу шахри мезбонлик қилаётган бу галги жаҳон шахмат олимпиадасида 170 дан зиёд давлат шахматчилари ғолиблик учун кураш олиб бормоқда. Ўн бир турдан иборат олимпиаданинг ҳар бир учрашувида терма жамоаларнинг тўрттадан ўининчиси иштирок этади. Ғолиб тўрт партиянинг умумий натижаси бўйича аниқланади.



Эркалар ўртасидаги мусобақаларда мамлакатимиз шарафини халқаро гроссмейстерлар — жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, Антон Филиппов, Марат Жумаев, Жаҳонгир Воҳидов ва ёш иқтидорли шахматчимиз Нодирбек Ёқуббоев ҳимоя қилмоқда. Хотин-қизлар мусобақасида халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, халқаро тоифадаги спорт усталари Гулруҳбегим Тоҳиржонова, Ирина Геворган, Сарвиноз Қурбонбоева ва тажрибали шахматчимиз Нодира Нодиржонова донна сурмоқда.

181 жамоа иштирок этаётган эркалар мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари биринчи турда брунейлик шахматчиларни 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Жаҳонгир Воҳидов Сун Вей Йега, Антон Филиппов Ҳафизон Омарга, Марат Жумаев Алиуддин Азаҳарига, Нодирбек Ёқуббоев Омар Баки Жапарга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Иккинчи турда шахматчиларимиз Доминикан Республикаси терма жамоасини ҳам 4:0 ҳисобида енгди. Рустам Қосимжонов Хосе Лисандро Муноз Сантана, Жаҳонгир Воҳидов Нельсон Пинал Боррес, Антон Филиппов Хосе Маунэль Домингес, Нодирбек Ёқуббоев Карлос Пол Эбрю Жан устидан ғалаба қозонди.

Учинчи турда шахматчиларимиз Чехия терма жамоаси билан баҳслашади.

Хотин-қизлар мусобақасида 142 жамоа бош соврин учун баҳсга киришди. Шахматчи қизларимиз биринчи турда парагвайликларни 4:0 ҳисобида доғда қолдирди. Нафиса Мўминова Габриела Варгасни, Ирина Геворган Далила Перезни, Сарвиноз Қурбонбоева Летиция Авалосни, Нодира Нодиржонова Монсеррат Роҳасни мот қилди.

Иккинчи турда қизларимиз бельгиялик шахматчилар устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Мазкур турда Ирина Геворган Сара Дьеркенснни, Сарвиноз Қурбонбоева Астрид Барбиерни енгган бўлса, Нафиса Мўминова Ханне Гуссенс билан, Гулруҳбегим Тоҳиржонова эса Юлия Морозовга билан дуранг ўйнади.

Энди учинчи турда Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси россиялик шахматчилар билан баҳслашади.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири.

Ҳаракат — даволайди, умрни узайтиради, ёмон иллатлардан асрайди

Соғлиқни сақлашнинг энг содда, қулай ва харажат талаб қилмайдиган йўли югуришдир

Яқинда йўлим тушиб, пойтахтимиздаги «Ялан-ғоч» массивига бордим. Манзилни яқин қилиш учун «дом»лар орасидан кесиб ўтмоқчи бўлдим. Теннис стадиони атрофидан ўтарканман, югуриш йўлида машқ бажараётган ҳамкасбимиз, ҳозирда пенсионер Миршароф Муҳсимовни кўриб қолдим. Кўриниши яхши, ҳаракатлари дади.


— Ёшлиқда соғлиқнинг қадрига етмаган эканмиз. Одамнинг ёши ўтгани сайин соғлиғи ҳақида кўпроқ қайғурадиган бўлиб қоларкан, — деди у.

Миршароф ака билан анча вақт гаплашиб қолдик. У киши спортнинг, жумладан, югуришнинг хосияти ҳақида ўзи ва тенгқурлари мисолида кўп гапларни айтди.

— Ҳаммасига дўхтир кўшнимиз сабабчи. У киши бизни қизиқтирмаганида Худо билади, ҳалигача эринчоқ бўлиб, уйда ётаверган бўлармикан, — дейди Миршароф Муҳсимов. — Биз, қарияларга шундай жон кириб кетдики, кимдир бел ва яна аллақандай оёқ оғриғини унутди. Баъзи бировлар ҳассасини улоқтириб ҳам юборди...

Бир кўшнимиз бор, бақалоқ эди. Кейин билсак, уни ҳам югуришга дўхтир даъват этган экан. Ҳозир у хипча! Қушдек енгил! Чопоғон!

— Сафимиз кенгайгандан кенгайиб борапти, — дейди яна бир отахон. — Ҳатто ашаддий кашандалар ҳам келиб қўшила бошлашди. Чунки «Ҳаёт ҳаракатни тақозо этади.



Ҳаракат инсон умрини қанчалик узайтирсин, ҳаракатсизлик эса уни тўшакка яқинлаштиради. Ибн Сино одамларни бежиз табиат кучоғига қорламаган. Шоир Камолдин Биноий «Соғлиқни қилсанг ҳавас, оз овқат еб, айла бас!» деган. У яна аллақандай алломалар фикрларини мисол қилиб келтирди.

Бир куни дўхтир: — Югуришнинг нима-ю босиб-босиб чекка-

нингиз нимаси? Ахир, чекиш заҳар ютиш билан тенг-ку, — деб қолди лабига сигарета қистирилган кўшнилardan бирита. Маҳтумқулининг аjoyиб сатрини ёдга олди:

«Шунча душмандирки, охир бошингиз бебош этар,

Вақти етмай сўндириб, жисмингизни лош этар,

Қайғу ҳасрат йўқ экандир, кўзингизни ёш этар, Ҳар замон дуд ютти-

рар, ҳам ўпкангизни тош этар,

Асти гофил бўлмаглар, шунча бадқордир чилим!»

— Шу бугундан бошлаб чекмаганим бўлсин, — деди кашанда кўшнларимиздан бири.

Шериклари ҳам унинг гапини маъқуллашди. Ичкилик ва маишатга мойилроқ бир кўшнимиз ҳам дўхтирнинг гапи билан стадионга чиқадиган бўлди.

— Кашандалик, ичкиликбозлик қон томирларига салбий таъсир кўрсатишини биласизми? — деди дўхтир унга. — Машҳур Гейне нима деган: «Шиша ичидан менга офат кўринади». Сизнинг-чи, сизнинг кўзингизга нима кўринади?.. Арасту деган донишмандни эшитганмиз? У «маст бўлиш ўз ихтиёри билан ақдан озишдир» деган.

Инсонга доғ туширувчи жиноятларнинг аксарияти шароб ичиш туфайли содир этилар экан.

Бу гапларни диққат билан эшитган кўшнимиз:

— Эртагаёқ стадионга чиқаман, эркак кишининг гапи битта, — деб бизни ишонтирди ва сўзининг устидан чиқди.

Ҳозир у пана-панада юрган улфатларини ҳам стадионга чақиряпти, янги турмуш тарзига ўргатапти.

— Рим олими Сенека айтганидек, бизга берилган умр қисқа эмас, зарarli одатларга ўрганиб, умрни ўзимиз қисқа қилиб қўямиз, — дейди Миршароф ака. — Мен ҳаммага даъват этаман: узоқ яшайман десангиз, кашандалик ёки ичкиликбозлик иллатларидан қочинг. Сафимизга кўшилинг, келинг, яхшиси биргалашиб югурайлик. Модомики, соғлиғимиз ўз қўлимизда экан, югурайлик...

Ҳамкасбимизнинг гапидан сўнг ҳаракат инсонни даволашига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Умрни узайтириб, ёмон иллатлардан сақлайди. Соғлиқ сотилмайди ва уни сотиб олиб бўлмайди ҳам. Чолларки, югуришяптими, билингки, саломатликни шундан қилириш керак. Зеро, ҳаракатда гап кўп.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲИҚМАТЛАР ҲАЗИНАСИДАН

Аввал ўйла, кейин сўйла

Жамият аъзолари ўзаро муносабатларда сўзлашиш одобига қатъий риоя қилишлари зарурлиги таъкидланади. Киши айтадиган ҳар бир сўз(гап)ни аввал ўйлаб олиши, сўнг сўзлаши лозим. Ўйламай айтилган сўз кишини кўпчилик орасида уялиб қолшига сабаб бўлиши мумкин. «Сўзни кўнгилда пиш-қармагунча тилга келтурма, Ва ҳар неким, кўнгилда бор — тилга сурма». (Навоий).

«Ўйламагунча сўйлама», «Кўп ўйла, оз сўйла», «Ун қатим ўйла, бир қатим сўйла» (қатим игнага бир марта ўтказилиб иш тикишга етадиган, тикилаётган иш билан қулоч қилиб ёзилган кўлнинг учи орасидаги масофага тенг ип); «Дилда пишир, тилда гапир», «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир»; «Ўйнаб айтсанг ҳам, ўйингдагини айт»; «Тез сўзлаган тез пушмон бўлар»; «Оғзига келган сўз арзон, овулга келган бўз арзон»; «Ўйланмаган жойдан тулки чиқар, ўйланмаган сўздан қулги чиқар»; «Англамай айтган тингламай ўлар, чайнамай ютган қавшамай ўлар».

Тўғри — ўзар, эгри — тўзар

Бу ва бу каби бир туркум мақолларда халқ ҳалоллиги ва тўғрилиги улуғлайди, эгриликни қоралайди, уларнинг яхши-ёмон оқибатларини кўрсатади. «Тўғри — мақсадга ётар, Эгри — мақсадсиз йитар», «Тўғри юк манзилга ётар, Эгри юк йўлда битар»; «Халол мол зое бўлмас, Ноҳақ мол зое бўлур»; «Тўғрилиқ наҳот йўлига бошлар, Эгрилик ҳалок чоғига ташлар»; «Тўғри юрдим — етдим му-родга, Эгри юрдим — қолдим уятга»; «Тўғри таёқ — балога тўғанок»; «Тўғри хар офатдан қутулиб кетар»; «Тўғриликдан йўқолган киши йўқ»; «Тўғриликка ўлим йўқ», «Тўғрилиқ ҳақликка олиб борар», «Тўғри ўсган — гул бўлар, Эгри ўсган — кул бўлар»; «Ёғоч тўғри бўлса, тўсин бўлар, Эгри бўлса ўтин бўлар»; «Тўғри девор узоққа чидайди, Эгри девор тезда қулайди»; «Тўғри бўлса ўзига, Чивин кўнмас кўзига»; «Тўғри бўлса ошин ер, Эгри бўлса бошин ер», «Тўғрига дуо ёғилур, Эгрига бало ёғилур»; Тўғри йўл — эр йўлдоши»; «Рост кўчани қўйиб, паст кўчадан юрма»; «Эгри йўлдан юрсанг ҳам, тўғри юр», «Тўғри юрсанг, чанг чиқмас».

Тўғриликдан келмиш ҳамма яхши от, Эгриликдан фойда кўрмади бир зот.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти		+37/+23
Бухоро ва Навоий вилоятлари		+38/+25
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари		+38/+23
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари		+38/+25
Андижон, Наманган, Ферғона вилоятлари		+36/+23
Тошкент шаҳри		+35/+20

РЕКЛАМА

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ЗВК ГУИН МВД республики Узбекистан Объявляет ПОВТОР-Ные конкурсные торги по объекту:

Капитальный ремонт здания клуба на территории УЯ 64/ЗВ ГУИН МВД РУз в Зангиатинском районе Ташкентской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет: с учетом НДС 563 364 600 сум, без учета НДС и 469 470 500 сум.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 120 дней.

Финансирование проекта за счет средств Госбюджета.

Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

Заказчик: ЗВК ГУИН МВД РУз.

Адрес заказчика: Ташкентская область, Зангиатинский район, посёлок Садовая.

В конкурсных торгах могут участвовать подрядные организации, включенные в реестр строительно-подрядных организаций.

К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования: наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ(услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогич-

ных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортные в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, рассчитываемые на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу:

г.Ташкент, ул. А.Навои, дом 18, комната 311. Телефон(факс): 241-15-26, 241-15-32.

Участники конкурсных торгов имеют право требовать от заказчика или организатора конкурсных торгов, для ознакомления, проектную документацию, в т.ч. графическую часть (чертежи) в целях изучения и составления конкурсного предложения.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации — 200 000 (двести тысяч) сум.

Последний срок предоставления оферт организатору торгов приурочен к дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент ул. А.Навои, дом 18, комната 311.

Вскрытие оферт состоится по истечении 30 дней со дня опубликования объявления.

Услуги лицензированы.